



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7506725>

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА ЛАНДШАФТЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ

Шодиева Гўзал Рахматуллаевна

докторант

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

e-mail:shodiyevagozal29@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Жануби-ғарбий Қизилқум ландшафт феномени ва уларнинг антропогенлашуви ҳақида бир оз тўхталиб ўтилди. Жанубий Ғарбий Қизилқум худудининг ўзига хос хусусиятлари кўп бўлишига қарамасдан бу худуд жуда кам ўрганилган. Сўнгги йилларда бу худудда олиб борилган изланишларнинг кўпгина қисми худуд ландшафтлари ва у ердаги экологик ҳолатлар бўйича олиб борилган. Кейинги йилларда Жанубий Ғарбий Қизилқум худуди антропоген омиллар таъсирида ўзгариб бормоқда. Бу ўзгариш худуддаги ўсимликлар оламига, ҳайвонот дунёсига, тупроқларда кузатилаётган бир қанча ўзгаришларга ва бошқа табиат комплексларига катта таъсир кўрсатмоқда. Бунинг натижасида худудда чўлланиш жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда.

Калит сўзлар: ландшафт, феномен, чўлланиш, антропоген, эндем, экологик.

THE HISTORY OF THE STUDY OF THE SOUTH-WEST KYZYLKUM AND THE CHANGE OF LANDSCAPES

Shodieva Guzal

Annotation: In this article, we will talk a little about the phenomenon of the South West Kyzylkum landscape and their anthropogenesis. Despite the fact that the South West Kyzylkum territory has many special features, this territory is poorly studied. In recent years, much of the research in this area has been conducted on the landscape of the territory and the ecological situation in it. In the following years, the South West Kyzylkum region has been changing under the influence of anthropogen factors. This change has a huge impact on the world of plants in the territory, the animal world, several changes observed in the soils and other natural Kompleks. As a result of this, the processes of desertification in the territory are becoming more and more.

Keywords: landscape, phenomenon, desertification, anthropogen, endem, ecological.

Қизилқум – ранг-барангдир. Унинг табиати, ландшафти, диққатга сазовор ерлари жозибадор ва бетакрордир. Инсонларни асрлар мобайнида кўрқувга солиб келган ваҳимали қумлари инсонни ўзига мафтун эта олади. Баҳор дамларида гуллаб яшнайдиган Қизилқумда ёруғлик ва ранго-ранглик ўзига хос сеҳрли дунёни эслатади. Худуднинг шаҳар ва воҳалари ажойибдир. Қизилқумнинг ер ости бойликлари битмас-туганмас. Уларда улкан олтин қазиб олувчи саноат ва бошқа корхоналар жамланган. Балки шу сабаб

кадимги Эрон ҳукмдорлари ва Искандар Зулқарнайнинг шу ерларни босиб олишга интилишлари юқори бўлган.

Қизилқум чўли Евросиё материгининг арид иқлимли ички берк ҳавзасида, Турон пасттекислиги табиий географик ўлкасининг марказий қисмида, Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёлари ҳисобланган Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган. Унинг ҳудуди шимол ва шимоли-шарқда Сирдарё водийси билан, шарқ ва жануби-шарқда Нурота тоғлари ва Зарафшон водийси, жануби-ғарбда Амударё водийси билан, ғарбда Амударё дельтаси ва шимоли-ғарбда Орол денгизи билан чегараланган.

Қизилқум чўлининг катта ҳудуди маъмурий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикасига қарайди. Қизилқум чўлининг ер юзаси умуман текис рельеф характерга эга бўлиб, унинг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 200-300 м ни ташкил этади. Ер юзасининг умумий қиялиги эса жануби-шарқда 300-350 м дан шимоли-ғарбда 70-100 м гача, Орол денгизи соҳилларида 53 м гача пасайиб боради [1, 21-б.].

Жанубий Ғарбий Қизилқум қумли чўллардан ва антропоген ўзлаштирилган майдонлардан ташкил топган. Қизилқум ўсимликларини ўрганиш бўйича жуда кўп олим ва тадқиқотчилар бир қанча илмий изланишлар олиб борган.

И.П.Герасимов ва П.Н.Чихачев Қизилқум ҳудудини геологик жиҳатдан тўртта районга ажратади. [4, 335-б.]. 1. Шимолий Қизилқум. 2. Марказий Қизилқум. 3. Жанубий-Шарқий Қизилқум. 4. Жанубий-Ғарбий Қизилқум. Шу билан бирга И.В.Мушкетов 1879 йилда Турон пасттекислигининг катта ҳудудини эгаллаб ётган Қизилқум чўлида илмий қидирув ишларини амалга ошириб, унинг ғарбий қисмини шимолдан жанубга қараб кесиб ўтган, геологик тузилиши, геоморфологияси ва қазилма бойликлари тўғрисида маълумотлар тўплаган. [1, 25-б.]. Н.В.Ломакин (1934, 1936) ҳам Жануби-Ғарбий Қизилқумда геоморфологик тадқиқот олиб бориб, қум массивларининг динамикасига ўз эътиборини қаратган ва шунга асосланиб иккита геоморфологик областни ажратган: 1) қумларни учириб кетиш области ва 2) қумларни тўпланиш области. [1, 28-89-б.].

Жанубий Қизилқум табиий географик райони Қизилқумнинг 420 шимолий кенгликдан жанубда жойлашган 2 та қум массиви-Бузовбой ва Ёмонқум массивларини ўз ичига олади. [5, 60-б.].

Қизилқумда мустақкамланмаган қум тепалари шамол кетган томонга силжиб туради. Булар барханлар, улар Қизилқумнинг ғарбий қисми – Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб кенг тарқалган. Барханларнинг баландлиги 10 метрдан

ошмайдан. Улар кўпинча аҳоли яшайдиган жойлар яқинида, қудуқлар атрофида учрайди. [5, 50-6].

Жанубий Фарбий Қизилқум ўсимликларини мақсадли ўрганиш XX асрнинг 30-йилларидан бошланади. 1934 йили Жанубий Фарбий Қизилқумда И.И.Гранитов раҳбарлигидаги Конимех комплекс экспедицияси иш бошлайди. Бу экспедиция адабиётларда Жануби-Фарбий Қизилқум экспедицияси деб ҳам аталади. Экспедиция чўл ўсимликларини экологик-фитоценологик ўрганиш, ўсимлик қопламининг аниқ харитасини тузиш ҳамда ўтлоқ ресурсларни баҳолашга алоҳида эътибор берган.

Кейинги йилларда Жанубий Фарбий Қизилқум ҳудудида жуда тез суръатларда ва жадаллик билан ўсиб бораётган чўлланиш муаммоси ҳамда антропоген омиллар таъсири натижасида юз бераётган ҳодисалар салбий оқибатлар яққол кўзга ташланмоқда. Чўлланиш жараёни барча турдаги геотизимларда жумладан табиий ва антропоген ландшафт мажмуаларида ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўрмонларнинг кесилиши, қўй-эчкиларнинг боқилиши, мол туёқларининг ўсимлик илдизларини яқсон қилиши, ўсимлик қопламининг сийраклашиши, тупроқларда шўрланиш даражасининг кўпайиши ва ҳосилдорликнинг камайиши антропоген омиллар таъсирида юз бераётган салбий оқибатлар натижаси десак муболаға булмайди. Бундан ташқари инсониятнинг табиатга таъсири натижасида шўрланган ва эрозияга учраган ерлар майдони ортиб бормоқда, дарё водийларида тўқайзорлар майдони камаймоқда, суғориладиган ерларда тупроқ ювилиши кучаймоқда, чўлларда эса қумлар майдони кенгаймоқда [3, 77-б.]. Бу салбий ҳолатлар натижасида ҳудуддаги ўсимликлар шу даражада ўзгарган ва шундай қайта ўзгаришларга дуч келган. Ҳозирги хўжаликда фойдаланадиган ўсимликлар кейин пайдо булган ўсимликлар яъни иккиламчи антропоген ўсимликлар тури ҳисобланади [2, 67-72б.].

Қизилқумнинг ажойиботларини ҳисоблаб, унинг тоғларида, қирларида, чўлларида ўсадиган ажойиб ўсимликлари ва ҳайвонлари тўғрисида қисқача сўзлаб бериш мумкин эмас чунки улар беқиёс. Қизилқум мамлакатимизнинг, ҳалқимизнинг ноёб мулкидир. У давлатимиз хазинасини бойитаётган, уни тўлдираётган бойлик манбаидир. Унинг табиий хусусиятлари ҳам жуда кизиқарли. Тарихий-маданий ёдгорликлари бетакрордир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аббасов С.Б. Қизилқум чўли ландшафтлар динамикаси ва экологияси. Монография. - Самарқанд. СамДУ нашриёти, 2019-йил-21-29б.
2. Аббасов С.Б. Чўлланиш муаммолари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. СамДУ нашриёти. 2019 йил-67-72б.

3. “Ўрта Осиёда чўлланиш муаммолари” илмий мақолалар тўплами. СамДУ нашриёти-Самарқанд 2000йил-77-б.

4. Гранитов И.И.Растительный покров Юго-Западных Кызылкумов.В 2-х т.-Ташкент:Наука,1964.Т.1-335б.

5. И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломов, А.А.Қаюмов Ўзбекистон табиий географияси (2 қисм).Тошкент 2010 йил-50-60-б.